# Сенга ҳамроҳ янги аср, янги минг йиллик!



● Сиз севган санъаткор

## Юлдуз Усмонова: «Ўзбегимни жуда яхши кўраман»

**— Юлдузхон, биз сиёсатни ўта жиддий иш деб ҳисоблаймиз. Шўх-шаддод, бироз эркатой-у, жўшқин феъл-атворли Юлдуз Усмонова «депутатлик қолипи»га қандай сиғаётганийкин?**

— Очиғини айтсам, депутатликка номзодимни қўйганимдан сўнг бироз чўчидим. Йўқ, депутатликни эплолмасликдан чўчимадим. Балки «Бутун бир халқнинг муаммоларини, жилла бўлса-да, ҳал қилишга, бошимда кўтариб юришга тайёр бўлганим — ўзбек элимнинг номидан гапиришга ҳақлиманми?» деб ўзимга савол бердим.

**— Яъни...**

— Мен концертлар чоғида мухлисларимнинг кўзида акс этган меҳр-муҳаббатини, санъатимга бўлган ҳурматини кўраман, соғиниб кутишларини юракдан ҳис этаман. Шундай экан, мени севиб, ардоқлаган элимнинг хизматини қилишдан нега ўзимни олиб қочишим керак? Қаранг, муҳтарам Президентимиз юрт маданиятини юксалтириш, ўзбек отлиғ меҳнаткаш халқни жаҳонга танитиш учун қанчалар куйиб-пишяптилар. Шундай экан, биз — санъаткорлар бу борада Юртбошимизга қанот бўлмоғимиз керак. Чунки санъат фақат эзгуликка хизмат қилувчи қудратли кучдир. Тасаввур қилинг-а, Ер юзида вулқондан қудратли куч борми? Ҳозирча йўқ. Қўшиқ ҳам худди вулқондек қудратга эга. У ҳар қандай тош қотган юракка ёриб киролади. Қўшиқнинг на миллати, на дини, на ирқи бор. Токи Аллоҳ қўшиқ айта олишдек ноёб қобилиятни ато этибдими, бу — хонанда учун юксак масъулиятдир. Унинг қобилияти эл равнақи учун хизмат қилиши, оламдаги барча халқларнинг овозлари ичра ажралиб туриши, дунёда ЎЗБЕК деган меҳнаткаш, ўта танти ва юраги дарё бир халқ борлигини кўрсата олиши керак!

**— Яқинда бир тадбирда эл таниган хонанданинг машҳур қўшиғини эълон қилишди. Хонанда ва созандалар ўртага чиқишди-ю, тўсатдан бошқа бир қўшиқ янгради. Шунда хонанда уялмай-нетмай: «Кечирасизлар, кассетани алмаштириб юборибмиз. Ҳозир бориб машинадан олиб келишади», деди. Хонанда ҳеч нарса бўлмагандай у ёқбу ёқдан гапириб турди, уч дақиқача вақт ўтгач, эълон қилинган қўшиқ янгради...**

— Уят! Сиз гапиряпсиз-у, мен ўзим танимаган ўша ҳамкасбим ўрнига ерга кириб кетай деяпман. Тан олиш керак, ҳозир минидисклар жуда русумга кирди, концертлар тугул, ҳатто тўйларда ҳам ишлатиляпти. Қаранг-а, ўзбек бечора емай-ичмай йиллаб яхши ният билан пул йиғади — тўй қилай, элга ош берай, шодлигимни яқинларим билан баҳам кўрай, деб. Йиллар давомида йиққан пулини аямай сочади-ю, соддалигига бориб «санъаткор»ларнинг фонограмма билан «қўшиқ айтганлари»ни ҳам сезмай қолади. Халқ сени севиб, ҳурмат қилиб тўйига чақирдими, ҳурматига яраша иззат кўрсатиб, сидқидилдан хизмат қилиб, олган пулини оқлаганга не етсин?! Ахир қўшиқ юракдан отилиб чиқади-ку, ҳар куйлаганингда бошқача оҳанг — бошқача жаранг касб этади-ку! Ўз овози ила қўшиқ айтиш завқини тушунмаган хонанда — санъаткор эмас, балки санъатни тирикчиликка айлантирган ўртамиёна одам, холос.

**— Ҳозир ўзбек эстрадасида истеъдодли ёшлар жуда кўп. Таъбир жоиз бўлса, ҳар ҳафтада янги гуруҳ ёки хонанда пайдо бўляпти, десам муболаға эмас. Лекин, тингловчиларнинг юрагига етиб борадиган қўшиқлар бармоқ билан санарли, десам, яна муболаға бўлмайди. Айниқса, ёшлар орасида машҳур хориж қўшиқларининг куйига ўзича матн ёзиш ёки клипларнинг сюжетини салпал ўзгартириб, қўшиққа улаш каби ҳоллар кўпайиб кетяпти. Табиийки, бунақанги чалакам-чатти «қўшиқ»лар мухлисларни чалкаштиради...**

— Ҳа, оғриқ нуқтамизга урдингиз!

Мен уларга битта баҳо бераман, бу — плагиат! Плагиат, яъни бир-бировининг ижодидан кўчирмачилик қилиш ёки ўғирлаб олиш санъаткор учун энг оғир гуноҳдир. Биз чўнтаккесар ёки ўғридан нафратланамиз, аммо ижодий ўғриларни кўриб, кўрмаганга олиб кетаверамиз. Ахир Аллоҳ ҳар кимга ўзига яраша иқтидор, қобилият беради. Ишла, излан, иқтидорингга яраша меҳнатинг мевасини ҳалоллаб егин. Эҳтимол, сен ўша ижодидан ўғирлаётганинг зотдан-да қобилиятлироқдирсан! Буни фақат сенга қобилият ато этган тангри билади-ку... Мен шу йўлга кирган ёшларнинг оддий ҳаёт ҳақиқатини ёдда тутишларини истардим. Ўғирлик билан топилган давлат буюрмаганидай, плагиат ҳам одамларнинг юрагидан жой ололмайди.

**— Ўзингиз қўшиқни қандай яратасиз: олдин куйи ёзиладими ёки шеърми?**

— Биласизми, буни бир сўз билан ифодалаш қийин. Баъзан яхши шеър қўлга тушиб қолади. Шунда гўё юракда вулқон отилгандек ҳис қиласиз ўзингизни, ўз-ўзидан куй ҳам қуйилиб чиқа бошлайди. Қарабсизки, яхши қўшиқ туғилади. Баъзан эса ичингизда бир куй ғимирлаб изғиб юради, уни на ёза оласиз, на шеърга сололасиз, на унутоласиз. Баъзан у сизни йиллаб қийнайди, нималарнидир эсингизга солаверади, лекин нималигини сира эслаёлмайсиз. Кунларнинг бирида тўсатдан... бир шеърга кўзингиз тушади ва нимани қидираётганингизни эслайсиз...

«Қоп кўтарган аёл»ни эсланг-а. Бобур Бомуроднинг шу шеърини ўқиганимда юрагим ларзага келганди. Бу қўшиқни ҳали-ҳамон юрагимда титроқсиз куйлай олмайман...

**— Ҳа, замонавий аёл бўлиш осон эмас-да...**

— Замонавий эмас, темир аёл денг. Мисол учун, замонавий бир оилани олинг. Эр-хотин икковлари давлат ишида ишлашади. Эри иш вақти тугагач, хотиржам уйга қайтади, кўзда тутилмаган мажлис ёки ўтиришлар бўлиб қолса, уйига телефон қилиб қўя қолади. Аёл-чи?! Фарзандлар тарбияси, ўқишини назорат қилиш, оилада кимдир бетоб бўлса парваришлаш, эрининг инжиқлиги-ю эркалигини кўтаришга вақт топади. «Аллоҳ суйган банда» — эр ва болалар ухлаганидан сўнггина чарчаган аёлнинг ижод билан шуғулланиши учун бир тутам тун қолади. У қачон ўзи ҳақида ўйлайди, дам олади, бу — номаълум... Муқаддас Ҳадисларда «Аввал онангга, яна онангга ва яна онангга, сўнг отангга яхшилик қил» дейилар экан. Мен эса ўйлайман, Оналик ва Аёллик бурчини адо этиб, яна ижод, санъат ёки илм-фан билан шуғулланишга вақт ва қувват топа олган аёллар қаршисида эса уч мартагина эмас, ўн беш марта таъзим этиш лозим. Бу — баландпарвоз гаплар эмас.

**— Шуҳратга муносабатингиз қандай?**

— Санъаткор учун шуҳрат керак. Меҳнатинг қадрланаётганини, ҳар қадамда сени одамлар таниётганини, яқинда айтган янги қўшиғингни аллақачон катта-ю кичик куйлаётганини кўрганда кўнглинг тоғдек ўсади. Лекин ана шу пайтда одам ўзини тута билиши керак. Санъаткор оёғи остидан заминни, шу заминда ёнма-ён яшаётган инсонлар туфайлигина ўзининг шу даражага эришганини унутмаслиги керак. Меҳнатингни қадрлай биладиган, ҳар қўшиғингни орзиқиб, соғиниб кутадиган мухлисларинг бўлмаса, санъаткор бўлишдан не наф? Шунинг учун ҳам мухлисларимга, «Сизларни яхши кўраман», деб таъкидлашдан чарчамайман. Мухлисларимнинг меҳри, ишончи туфайли мен шунчалар юлдуз бўлиб юрибман-да... Концертлар чоғида тўпланган мухлисларимга қараб ўзимга ишончим ортиб кетади, уларнинг меҳри юрагимга қувват беради, соғинч тўла назарларидан бир дунё илҳом оламан, чарчоқларимни тамоман унутаман, уларни янада яхши кўриб кетаман.

**— Юлдузхон, XXI асрдан нималарни кутаяпсиз?**

— Одам ишонгиси келмайди, нақ XXI асрга етиб келдик. Энг муҳими, ана шу орзиқиб кутилган янги асрга Ўзбекистон ўзлигини англаган, ўз йўлини топган озод, обод ва мустақил юрт бўлиб киряпти. Ишончим комилки, янги асрда ўзбекнинг ўктам овозини бутун дунё ҳайратланиб тинглайди.

**— 2001 йилда мухлисларингизга тилакларингиз?**

— Азизларим, Янги йилда бахт ҳамроҳингиз бўлсин. Бахтли кунларингизда биз — санъаткорлар хизматингизда бўлайлик. Мен сизларнинг барингизни, қандай бўлсангиз, шундайлигингизча яхши кўраман.

**Муҳаббат ЙЎЛДОШЕВА суҳбатлашди.**

---

**Байрам мушоираси**

### КЕЧАГИ КУН

*Кимлар учун кетмас даврон кечаги кун,*
*Кимлар учун мангу армон кечаги кун,*
*Янги кундан, янги йилдан умидлар мўл,*
*Вале энди қайтмас меҳмон кечаги кун.*

*Янги аср остонадан одимлайди,*
*Кимни дунё, кимни унда бахт имлайди,*
*Аммо менинг юрагимни тимдалайди,*
*Қўлдан кетган битта имкон кечаги кун.*

*Савоб қилган савобидан юзи ёруғ,*
*Тўғри одам жавобидан юзи ёруғ,*
*Элим хурлик офтобидан юзи ёруғ,*
*Озод бўлган Ўзбекистон кечаги кун.*

*Бозорларда молин эмас дилин сотиб,*
*Кимлар кетди диёнатин, элин сотиб,*
*Шояд бизга инсоф берса тонглар отиб,*
*Қадринг кимлар қилди яксон кечаги кун.*

*Одамзотни орзулари етаклайди,*
*Яхши ўздан, ёмон сендан ўпкалайди,*
*Уйғотолсанг ҳар кўнгилда бахт ухлайди,*
*Кимдан рози, кимдан гирён кечаги кун.*

*Оқил сенинг ёдингга ҳам гул тутгайдир,*
*Меванг тотиб жоҳил зумда унутгайдир.*
*Сенсиз ахир эртасини ким кутгайдир,*
*Биздан кулиб кетган мезбон кечаги кун.*

**Маҳмуд ТОИРОВ.**

### АССАЛОМ, ЯНГИ АСР!

*Ассалом, Янги аср!*
*Умид, орзулар асри.*
*Сени кутдик юз йиллик ниятлар билан.*
*Ассалом, янги давр.*
*Эрк, истиқлол фасли,*
*Биз сенга етдик тоғдайин бардошлар билан.*
*Сени бизга ҳадя этди Истиқлол,*
*Озодлик қуёшин балққанлиги рост.*
*Бизни қучоқ очиб кутар Истиқбол,*
*Унга меҳр қўйдик юракда ихлос.*
*Ассалом янги давр,*
*Салом, ҳур замон,*
*Охир сенга етдик бахш этиб жон.*
*Сенга етмоқ учун курашдик толмай,*
*Не-не ўғлонларинг бу йўлда қурбон.*
*Дилдаги ҳайрату, туғёнлар ҳаққи.*
*Ўзлари хазону, элнинг қалбида*
*Номлари абадий қурбонлар ҳаққи.*
*Эришдик, минг шукур, ўз эркимизга,*
*Етдик орзудаги ўз аҳдимизга.*
*Эришдик асрлар сир-синовида,*
*Армон бўлиб қолган тож-тахтимизга.*
*Тахтимиз — мустақил ҳур Ўзбекистон,*
*Осиё кўксида бир дури кўркам.*
*Сени тан олмоқда бу кўҳна олам,*
*Ҳар дилда диёнат, азиз, мукаррам.*
*Тарихнинг қатида қолган аждодлар,*
*Даврим, ҳимматингдан қайта кўз очди.*
*Элимдан миннатдор бу буюк зотлар,*
*Бойлигин бошимдан сочқидай сочди.*
*...Ассалом, Янги давр,*
*Эй, гўзал олам,*
*Орзудан яралган абадий қаср.*
*Эркини, бахтини куйлаган одам,*
*Ассалом, умидбахш XXI аср!*

**Тошпўлат НЕЪМАТ.**

### УЧ МИНГИНЧИ ЙИЛНИ БОШЛАБ АЛП КЕЛАЁТИР

*Ортга боқма,*
*Олдга олға,*
*Олдинга қара.*
*Хаёлингни сеҳрлагай ўзга манзара:*
*Сирли дунё.*
*Қуни-қўнжи файзу-баракат,*
*Ўзбекистон — келажаги Буюк мамлакат!*

*Манзил — ёруғ,*
*Карвон — йўлда,*
*Эътиқод — кафил.*
*Вақт — етакчи*
*Асримизни мўъжиза, деб бил.*
*Ўзга йиллар таърифи-ку таҳсинга лойиқ,*
*Лекин сўнгги икки йили солмоқда довруқ.*

*Бир-бирига қондош, жондош икки ширхўра,*
*Икки жўмард қойилмақом тақдирга кўра:*
*Бири — «Икки минг» йилларга нуқтадан ботир,*
*Кейингиси — «Уч минг»ларни етаклаётир.*

*Демак, асло пинак бузмай тақчил ё йўқдан,*
*Босиб-янчиб террорларни, ҳайиқмай дўқдан,*
*Гумбир-гумбир садо бериб олис-ёвуқдан,*
*Йигирма тўрт миллион суюк қалб келаётир.*

*Уч минг йиллар нарёғида турган, ҳей авлод,*
*Боболаринг руҳини ҳам хотирла, эт ёд,*
*Маҳв бошқа,*
*Пусиш бошқа,*
*Бошқадир сабот,*
*«Ур-ҳо!..» деган Темурнамо залп келаётир,*
*Уч мингинчи йилни бошлаб алп келаётир! ..*

**Низомжон ПАРДА.**

---

## Италиялик Рамазон ота Ўзбекистонга қайтди

### фақат 60 йилдан сўнг

***Биз бўлган воқеани ўзимиз тасвирлаб бермоқчи эдик. Лекин Рамазон ота босиб ўтган тақдир сўқмоқлари шу қадар чигал, таҳликали ва ғамангиз эдики, бунинг эвини қилиб ёза олиш қўлимиздан келадими ёки йўқ, деб чуқур истиҳолага бордик. У киши донадона қилиб гапириб берди. Биз фақат тингладик, у кишининг тақдир қўшиғини куйлашига халақит бергимиз келмади.***

— Қайси куни эшитиб қолдим, телевизорда бир кишидан «Сиз йигирманчи асрдан розимисиз?», деб сўрашди. Бу гап, очиғи, менинг дардимни қайтадан янгилаб юборди. Бу савол у кишига эмас, гўё мен учун мўлжаллангандай туюлди.

Йигирманчи асрнинг қандай зулму зулмати бўлса, қандай озору азияти бўлса, мендан сўранг, дегим келди. Йигирма тўрт ёшимда уйимдан чиқиб кетганман. Оилали эдим, икки қизим бор эди. Иккинчи жаҳон урушини ҳарбий хизматдалигимда Украинада қарши олдим. Урушнинг илк даврлари жуда ҳам даҳшатли кечган. Бизнинг армия хийла ожиз эди. Шунинг учун ҳам дастлаб жуда кўп йўқотишлар бердик. 1941 йилнинг охирларида асирга тушдим. Биз — асирларни аввал Польша, кейин Германияда, 1944 йилда Италиянинг ҳарбий лагерларида сақлашди.

Бизни иттифоқдош Америка қўшинлари озод қилди. Озодликка озодмизу лекин юртимизга қайтолмаймиз. СССРда асир тушиб қайтган ҳарбийларни ўлимга маҳкум этишаётганмиш, деган гапларни эшитиб қолдик. Баъзилар ишонмай юртларига қайтишди ҳам. Лекин орадан кўп ўтмай «узунқулоқ» гаплар чин бўлиб чиқди:

**Ватан шукуҳи**

қайтганларни сотқин, деб ўлимга маҳкум қилишганмиш. Шундан кейин юртга қайтиш бошимни кундага қўйиш билан баробар эканини англадим. Тақдирга тан бериб, Италияда қолишга мажбур бўлдим. Шу орада касалхонада ҳамшира қиз — Палмида билан танишиб қолдим. Оила қурдик. Раҳматли Палмида бир умр Ўзбекистонни орзу қилиб яшади. У Ўзбекистонни мен орқали таниди. Унга ўз ватанидек меҳр қўйди. Лекин тақдир экан, ундан қочиб қутулолмас эканмиз, насиб қилмади. Мен-чи? Мени айтмайсизми, тушларимда кўриб чиқардим қишлоғимни, қизларимни, онамни... Ўзбекистонни. Палмидага улар ҳақида ҳар куни айтиб берганимданми, унинг ҳам меҳри меникидан кам эмасди. Ватан соғинчи ёмон бўларкан. Уни нималигини Ватандан ажралганингдан кейин биларкансан. Бир умр болаларимни деб, Ўзбекистонни, деб яшадим. Наҳотки уларни энди кўролмасам, наҳотки атиги бир марта бўлсин, бориш насиб қилмаса — туну кун ана шу ҳақда ўйладим. Сталин ўлганидан кейин умид учқунлари чақнади; ишонч пайдо бўлди. Форишга тинимсиз хат ёздим. Лекин бирорта хатимга жавоб ололмадим. Бор умидим сўнди. Борай, десам нафақат имкон, ишонч ҳам йўқ. Кейин билсам, Форишга мендан «қора хат» борган, уйдагилар умидини буткул узган, у ҳам камлик қилганидек, 50-йилларда оиламни қишлоқдан Қозоғистон чўлларига кўчирма қилишган экан.

Хатларим жавобсиз қолгач, яна ўттиз етти йил кутдим. Бир лаҳза бўлсин қизларимни, қишлоғимни, демакки, Ўзбекистонни унутганим йўқ. Ҳамиша унинг ёди билан яшадим. Тасаввур қилинг, Италиядай катта мамлакатда энди ҳеч кими йўқ ёлғиз — нотавон эдим. Туну кун фақат Оллоҳга ёлворардим. Юртга қайтишни, демак, мустақиллик ва озодликни ҳеч ким менингдай кутмаган бўлса керак, ҳеч ким уни эшитиб менингдай суюнмаган, менингдай тўйиб-тўйиб йиғламаган ва юртига ошиқмаган бўлса керак. Агар ўша телевидение мухбири мендан «XX асрдан розимисиз?», деб сўраганида олтмиш йил чеккан азоб-уқубатларимга қарамай «Ҳа, ундан минг-дан-минг розиман. У менга 84 ёшга тўлганимда қизимни, невараларимни, Ўзбекистонимни қайтариб берди. Мен рози бўлмай, ким рози бўлсин» деган бўлардим.

***Асли форишлик Рамазон ота Асимов ана шу ерга келганида бир оз тин олди. Кўзларига ёш халқаланди. Озодлик дарагини эшитган Рамазон ота бу гал Ўзбекистонга хат ёзди. Мустақил Ўзбекистон ҳам бу гал ўз фарзандини бегона қилмади. Аксинча, Ватан Мирзачўл туманида яшаётган қизи Бозоргулдан бўлган невараси Комилжонни хайрихушлик билан Италияга жўнатди. Бобо ва набира олтмиш йиллик айрилиқдан сўнг Италияда юз кўришди. Ва Комилжон бобосини Ватанга олиб қайтди. Рамазон ота эса умрининг қолган кунларини Мирзачўлда набиралари билан биргаликда ўтказишга аҳд қилди.***

***Биз у киши билан биргаликда, бироз бўлса ҳам бу чигал ва ўта мураккаб тақдирнинг қат-қатида яширинган озодликнинг таъмини тотдик, онадай, боладай азиз Ватаннинг меҳрини туйдик, XX асрнинг олтмиш йилини Ватандан айро, фарзанддан мосуво ўтказган, лекин 84 ёшлик чоғида уларнинг ҳаммасини топган бир инсоннинг яна ундан — XX асрдан рози-ризо эканлигининг гувоҳи бўлдик. Бизнингча, Ватанга ҳам, Озодликка ҳам, сиз билан биз хайрихуш қилаётган XX асрга ҳам бундан ортиқ баҳо бериб бўлмас, бундан ортиқ бир нима деб бўлмас...***

**Исмат НУСРАТОВ, Баҳриддин САТТОРОВ.**

---



*— Байрам торти ҳам тайёр — дейди Янгийўлдаги «Хоразм-маркет» масъулияти чекланган жамиятнинг қандолатчиси Гулнора Иминова.*

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

---

● Истиқлол ва истиқбол

## КЎКПАТАС КОНЛАРИ

Оламга машҳур Мурунтов олтин кони тўғрисида кўп эшитганмиз. Кўкпатас конлари ҳам ундан қолишмаслиги ҳали кўпчиликка маълум эмас. Бир-биридан 3-7 километр нари-берида жойлашган, бир нечта кон заҳирасини ўз бағрига олган Кўкпатас ўзига хос қазилма бойлик манбаидир. Навоий кон-металлургия комбинатининг Учқудуқдаги 3-гидрометаллургия заводи асосан ана шу конлардан қазиб олинаётган хом-ашё ҳисобига узлуксиз ишлаб турибди. Заҳираларнинг тарқоқлиги кончиларга қийинчиликлар туғдириш табиий. Йирик техникаларни қисмларга ажратиш, кўчириш, қайта йиғишнинг ўзи бўлмайди. Бунга ҳам вақт ҳам қўшимча маблағ талаб этилади. Шимолий кон бошқармасининг «Шарқий» бўлинмаси жамоаси бу борада ўзига хос тажрибага эга. Ҳеч қачон узилишларга йўл қўйилмайди. Бурғуловчи дастгоҳлар бир зум ҳам тўхтаб қолмайди. 6 та карьерда қазиш ишлари ниҳоясига етиб қолган бўлса, қолганларида иш энди бошланди.

Жамоада 21 миллат вакиллари бир оила фарзандларидек қўлни-қўлга бериб меҳнат қилишмоқда. Бош муҳандис Жаббор Ўроқов ўз фаолиятини оддий ишчиликдан бошлаган. Ҳозир у энг сўнгги техника ва дастгоҳларни ҳам миридан-сиригача билади.

- Аҳиллик ва ўзаро ҳурмат, эркин меҳнатга ўрганиш ютуқларнинг асосий омили бўлаётир, - дейди у.- Мустақиллигимизнинг сўнгги йилларида хом-ашё қазиб олишни бир неча баробарга кўпайтиришга муваффақ бўлдик. Бу эса кончиларимизнинг маҳоратлари тобора ошиб бораётганлиги, ишлаб чиқаришга янги техникаларнинг жорий этилганлиги самарасидир. Олмониядаги «Орифштейн Коппол» фирмасидан келтирилган жаҳонга машҳур беш кублик гидравлик экскватор жуда ишончли, иш унумдорлиги юқори, бир карьердан иккинчисига кўчиришда муаммолар туғдирмайди.

Шведларнинг «Атлас Копко» фирмаси тақдим этган «РОС-860» бурғулаш дастгоҳлари ҳақида қанча гапирсам оз. Илгари ишлатилиб келинган Россиянинг «СБУ-125» дастгоҳига нисбатан унумдорлиги икки марта баланд. Ҳақиқатан ҳам, уларни XXI аср техникаси дейиш мумкин. Айни пайтда Кўкпатас конлари мажмуида қурилиш, бурғулаш жараёни жуда жадаллик билан олиб борилаяпти. Уларни йил охиригача тўлиқ ишга тушириш режалаштирилган. Шуниси қувончлики, янги конлар таркибидаги хомашёда олтин заҳиралари ҳозир қазиб олинаётганига нисбатан кўпдир. Демак, иқтисодий самарадорлик анчага ошади, заҳирамизга-заҳира қўшилади.

Биз Сизга ҳикоя қилаётган кон заҳиралари Учқудуқ шаҳридан 40 километр узоқликда жойлашган. Бу ерда дастлаб иш бошланганда яхлит қум барханлари-ю, онда-сонда учрайдиган саксавуллардан бошқа ҳеч вақо йўқ эди. Қисқа вақтда иккита маъмурий-маиший бино қад кўтарди, шинамгина ошхона кончилар хизматида. Ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларига ҳайратланмай бўлмайди. Яйдоқ чўлнинг қоқ ўртасида турли хил анвойи гуллар очилиб турибди. Қурилаётган сув фаввораси Қизилқумдаги ҳаётни эрта-индин янада гўзаллаштириб юборади. Кўкпатас ерининг бойликлари эса мустақил юртимизнинг бойлигига бойлик қўшиши, шубҳасиз.

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Муҳтарам юртдошлар!

# «ТУРОН»

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БИРЛАШТИРУВ БАНКИ

Сизларни кириб келган

Янги – 2001 йил, янги аср

билан самимий муборакбод этиб, сиҳат-саломатлик, хонадонингизга қут-барака ва бахту иқбол тилайди!

Янги йил байрами арафасида аҳолининг муддатли омонатлари бўйича фоиз ставкаларининг ошганлигини маълум қиламиз.

Мамлакатимизнинг барча вилоятларидаги жамғарма кассаларимиз бўш турган маблағларингизни чегараланмаган миқдорда қабул қилади. Банк жамғармангизни сир сақлашга ва уни биринчи талабингизга биноан қайтаришга кафолат беради.

Маблағларингизни ўзингиз танлаган омонатнинг 5 туридан бирига жойлаштириб, банк Сизнинг сармоянгизни кўпайтиради.



# «ЎЗДОНМАҲСУЛОТ»

ДАВЛАТ ҲИССАДОРЛИК КОРПОРАЦИЯСИ

бутун Ўзбекистон халқини

Янги йил ва XXI аср

билан самимий муборакбод этади!

Янги асрда барчага сиҳат-саломатлик, хуш кайфият ва муваффақиятлар тилаймиз!

Жамоамиз мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда фаол иштирок этиб, XXI асрда Ўзбекистонни ривожланган давлатлар қаторида кўришни истайди. Янги аср халқимизга бахт-саодат, фаровонлик келтирсин.

Янги йил, янги аср қутлуғ бўлсин, азиз ватандошлар!

«Ўздонмаҳсулот» давлат ҳиссадорлик корпорацияси.





*Азиз ҳамюртлар!*

# «ХОРАЗМ ТЕЛЕКОМ»

## АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Сизларни кириб келган

**Янги йил билан, янги аср,**

янги мингйилликнинг бошланиши билан самимий муборакбод этади.



**Барчамизга бахт ва иқбол, эркинлик ва озодлик олиб келган, қалбларимизда иликлик, самимийлик, Она заминимизга меҳр-муҳаббат, Ватанимизга чексиз садоқат туйғуларини жўш урдирган буюк неъмат — ИСТИҚЛОЛ ҚУЁШИ бошимиз узра мангу нур сочиб турсин!**






**Ватанимизнинг куч-қудратини ошириш, унинг янада гуркираб ривожланиши, гуллаб-яшнаши йўлида, истиқлолимизни мустаҳкамлаш, эл-юртимиз, халқимиз манфаатлари йўлида фидойилик кўрсатиш, ёниб яшаш ва ишлаш ҳисси ҳар биримизнинг қалб амримизга айлансин! Серқуёш республикамизнинг азиз номи ҳамиша мағрур жаранглаб, жаҳон айвонидаги ўрни ва мавқеи янада сарбаланд бўлсин! Осмонимиздан музаффарлик, ҳаётимиздан осойишталик, ёниқ чеҳраларингиздан гулгунлик, табассум, лабингиздан кулгу асло аримасин!**





**Қаршилаётган йилимиз қутлуғ бўлсин! Ҳар бирингизнинг хонадонингизга олам-олам қувонч, бахт ва шодлик, турмушингизга янада фаровонлик, файзу-тароват, дастурхонингизга тўкинлик, қут-барака ато қилсин! Жамики орзу-ҳавасларингиз рўёбга чиқиб, муродларингиз ҳосил бўлсин! Айни дамлардаги байрамона руҳ, кўтаринкилик, хуш кайфият йил бўйи ҳеч бирингизни асло тарк этмасин! Ҳаёт йўлингиз янада равонлик ва чароғонлик касб этиб, умрингизнинг ҳар бир лаҳзаси қувонч ва шодонликка тўлсин! Топганингиз тўйга буюрсин!**



**Ҳар доим хизматингизга мунтазир бўлган соҳамиз ходимлари Оналар ва болалар йилида ҳам хонадонларингизга ҳар лаҳзала қувонч ва шодлик бахш этувчи хушхабарлар етиб боришини тилайдилар. Узоғингизни бир зумда яқин қилишни таъминлайдилар.**

*Янги йилда ҳаётингизда хушвақт онлар ҳар қачонгидан ҳам кўп бўлсин!*

«Хоразм телеком» акциядорлик жамияти жамоаси.

3873



AZIZ VA OZOD VATANIMIZ
XALQINI

**YANGI — 2001 YIL**

BILAN SAMIMIY TABRIKLAYMIZ.
YANGI YILDA VA YANGI ASRDA
BARCHAMIZGA
TINCHLIK-FAROVONLIK,
BAXT VA SAODAT HAMROH BO`LSIN!



**«QOXIZ»**
OCHIQ HISSADORLIK
JAMIYATI

3661







MUSTAQIL O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI
XALQINI KIRIB KELGAN

**YANGI — 2001 YIL**

BILAN QIZG`IN MUBORAKBOD
ETISHDAN MAMNUNMIZ.
YANGI MINGYILLIKKA QADAM
QO`YARKANMIZ, TINCHLIK-FAROVONLIK,
BAXT VA SAODAT
YOR BO`LISHINI TILAYMIZ!



DM
DEMIR
GROUP

3660



Янги йилингиз қут-баракотли келсин!

Бутунжаҳон Сифат қўмитасининг
халқаро «Олтин юлдуз» белгиси совриндори —

# «ҚУВАМЕБЕЛ»

ҳиссадорлик жамияти бошқаруви
ва жамоаси

**комил ишонч билан келажакка интилаётган Ўзбекистон халқини, унинг бутун дунёдаги дўстларини, шунингдек, доимий мижозларини кириб келган янги йил, янги аср — янги мингйиллик билан самимий муборакбод этади!**

*Жаҳон бозорида ўз ўрнини топишга ҳаракат қилаётган, энг арзон, қулай ва сифатли, пишиқ-пухта шарқона анъаналар андозасидаги мебеллар туркумини яратишга астойдил бел боғлаган жамоамиз меҳнат аҳли янги йилда, янги асрда ҳам Қува мебели хонадонингиз файзи бўлиб қолишига ишонч билдиради.*

Буюк Ватанимизни, бунёдкор халқимизни ёмон кўзлардан, ғаразли ниятлардан Яратганнинг ўзи асрасин, бизнинг мебелларимиз кириб борган хонадонлардан қут-барака, меҳр-оқибат, шоду хуррамлик, тўй-тантаналар аримасин!



3574



# «ГУРЛАН»

## АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

ҳамкорлари ва барча
ҳамюртларимизни

# Янги — 2001 йил

билан қизғин муборакбод этади.

Янги — XXI асрда экологик тоза
пахта толасидан тайёрланган
замонавий бичимдаги
кийим-кечаклар билан Сизни
кийинтириш ва Сиз билан
ҳамкорлик қилишдан мамнунмиз.



Мурожаат учун тел./факс: (362) 36-52-895, 36-52-907, 36-51-779.

20

3666

